

«Тасдиқланган»

Акциядорлар Умумий
Йиғилишининг

2017 йил 5 сентябрдаги
2 - сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси


Ш.Х. Шерматов




«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий Банки

2017 йил «25» сентябрь
48 - сон

Раис ўринбосари




Ш.Х. Атабаев

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИ**
(янги тахрирда)

Тошкент – 2017 й.

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИ**
(янги таҳрирда)

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ	4
III. БАНКУСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ	5
IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	7
V. БАНК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ДАРОМАДИНИ ТАҚСИМЛАШ	9
VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ	10
VII. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	12
VIII. БАНК ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ	23
IX. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ	23
X. БАНКУСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ	25

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантиришни маблағ билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида ташкил қилинган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» унинг таъсисчилари ўртасида имзоланган 1994 йил 30 декабрдаги таъсис шартномасига кўра ташкил қилинган бўлиб, ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра акциядорлик жамиятидир.

1.2. Банкнинг номи:

давлаттилида:

кирил ёзуви асосида – Акциядорлик тижорат
«Алоқабанк», қисқартирилган номи - АТ
«Алоқабанк»;

лотин ёзуви асосида – Aksiyadorlik tijorat
«Aloqabank», қисқартирилган номи- АТ
«Aloqabank»;

рус тилида: Акционерно-коммерческий
«Алоқабанк», қисқартирилган номи - АК
«Алоқабанк»;

инглиз тилида: Joint-Stock Commercial
Aloqabank, қисқартирилган номи- JSC
Aloqabank.

1.3. АТ «Алоқабанк» (кейинги ўринларда «Банк» деб аталади) ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига ва мазкур Уставга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

1.4. Банкнинг фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган бўлиб, у юридик шахс ҳисобланади ва ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулки билан жавобгар бўлади. Банк, қонун ҳужжатларига мувофиқ, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширади, мажбуриятларни қабул қилади ва амалга оширади, хўжалик, фуқаролик ва арбитраж судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.5. Банкўзининг филиаллари билан биргаликда ягона юридик шахс бўлиб, у мустақил балансда ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкга эга. Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдиган давлат банкнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Банк ўз филиалларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланади.

Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.6. Банк ўзининг номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган думалоқ муҳрига эга бўлади. Банк ва унинг таркибий тузилмалари муҳрларида банкнинг номи давлат тилига қўшимча равишда рус тилида ёки инглиз тилида кўрсатилиши мумкин. Банк ўз номидан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқига эга.

Банкўзининг номи ёзилган тамғалари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлади.

1.7. Банкнинг жойлашган жойи ва почта манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.

Банкнинг электрон почта манзили: info@aloqabank.uz

II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

2.1. Банкўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияларга амал қилган ҳолда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш, қабул қилинган маблағлардан таваккалчилик асосида кредитлаш ёки инвестициялаш учун фойдаланиб, улар бўйича тўловлар ва бошқа банк хизматларини тижорат асосида амалга оширади.

2.2. Банкқуйидаги банк операцияларини амалга оширади:

- 2.2.1. жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- 2.2.2. юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини депозитлар ва омонатларга жалб қилиш;
- 2.2.3. қайтаришлилик, фоизлилик ва муддатлилик шартлари билан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш;
- 2.2.4. маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

- 2.2.5. чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пулшаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- 2.2.6. пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- 2.2.7. учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- 2.2.8. учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- 2.2.9. қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция консультанти, инвестиция активларининг бошқарувчиси сифатида иштирок этиш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- 2.2.10. банк фаолияти, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, инвестиция фаолияти ва тижоратнинг бошқа соҳалари юзасидан маслаҳат ҳамда ахборот хизмати кўрсатиш;
- 2.2.11. жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- 2.2.12. молиявий лизинг ва факторинг операцияларини амалга ошириш;
- 2.2.13. инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;
- 2.2.14. жисмоний шахсларга истеъмол, ипотека ва бошқа турдаги кредитлар ажратиш;
- 2.2.15. тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, жумладан, микрокредит ва микролизинг хизматларини кўрсатиш;
- 2.2.16. халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа банк операциялари билан ҳам шуғулланиши мумкин. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ лойиҳаларни давлат бюджетининг маблағлари ва бошқа марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириши мумкин.

2.4. Банк ўз операцияларини амалга ошириш ва пул маблағларини сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида, резидент ва норезидент банкларида сўмда ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлар очади.

2.5. Банк ўз маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг барча шаклдаги ҳисобварақларидаги маблағларидан, бошқа банклардан жалб

қилинган депозитлар ва кредитлардан, амалиёт (операцион) йили давомида тақсимланмаган фойдадан кредитлаш, инвестициялаш ва банклараро депозитлар ресурслари сифатида фойдаланиши мумкин.

III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ

3.1. Банкнинг Устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан таркиб топади. Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг Устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

3.2. Банк томонидан чиқарилган акцияларни жойлаштириш амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ амалга оширилади. Қўшимча чиқарилган акцияларга ҳақ тўлаш акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади. Қўшимча чиқарилган акциялар учун ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Қўшимча чиқарилаётган акциялар биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорларда жойлаштирилганда битимлар ушбу савдо ташкилотчисининг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳамда бюджет маблағлари ҳисобига жойлаштириладиган акциялар, шунингдек айирбошлаш йўли билан жойлаштириладиган акциялар ёпиқ обуна орқали амалга оширилади.

3.3. Банкнинг Устав капитали акциядорлар сотиб олган банкакцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Барча турдаги банкакцияларининг номинал қиймати бир хил бўлиб, 121 (бир юз йигирма бир) сўмни ташкил қилади.

3.4. Банк Устав капитали 117 442 920 771 (бир юз ўн етти миллиард тўрт юз қирқ икки миллион тўққиз юз йигирма минг етти юз етмиш бир) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

3.4.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 952 602 651 (тўққиз юз эллик икки миллион олти юз икки минг олти юз эллик бир) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 115 264 920 771 (бир юз ўн беш миллиард икки юз олтмиш тўрт миллион тўққиз юз йигирма минг етти юз етмиш бир) сўм;

3.4.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 2 178 000 000 (икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион) сўм.

3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 2 500 000 000 (икки миллиард беш юз миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони -2 492 000 000 (икки миллиард тўрт юз тўқсон икки миллион) дона;

3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони -8 000 000 (саккиз миллион) дона.

3.6. Банк маблағлари унинг Устав капитали, қўшимча капитал, тақсимланмаган фойда, соф фойда, захира, суғурта ва бошқа фондлардан ташкил топади.

3.7. Молия-хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш мақсадида банк томонидан захира фонди ва бошқа фондлар шакллантирилиши мумкин.

3.8. Захира фонди банк Устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳар йили соф фойдадан ажратиладиган маблағлар ҳисобига шакллантирилиб борилади. Захира фондига ҳар йиллик ажратма миқдори соф фойданинг камида 5 (беш) фоизини ташкил этади.

3.9. Банкнинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

3.10. Захира фонди ва бошқа фондлар соф фойда ҳисобидан банк акциядорлари умумий йиғилиши қарори асосида шакллантирилади.

3.11. Банк фондларига ажратиладиган маблағлар миқдори акциядорлар йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари, норезидент юридик ва жисмоний шахслар, халқаро молия ташкилотлари билан банк фаолиятига доир масалалар бўйича музокаралар юритиш, ҳамкорлик ўрнатиш, ўз номидан қонун билан чекланмаган битимлар тузиш;

4.1.2. банк операциялари бўйича воситачилик ҳақи ва фоиз ставкалари миқдорини мустақил белгилаш;

4.1.3. кредитлашни, унинг янги шакллари (шу жумладан; лизинг, факторинг) ва услубларини мустақил белгилаш, бланкли кредитларни (ишончли кредитларни) ажратиш;

4.1.4. юридик ва жисмоний шахсларга кредит ажратишда уларнинг тўловга лаёқатлилигини, молиявий ҳолатини аниқлаш учун тегишли ҳужжатларни талаб қилиш ва кредит таъминоти сифатида амалдаги қонун ҳужжатлари асосида мол-мулк гаровини талаб қилиш;

4.1.5. ўз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобига банк томонидан молиялаштирилган объектларни қуришда, техник қайта жиҳозлашда лойиҳа ҳужжатларининг тегишли экспертизадан ўтказилишини талаб қилиш;

4.1.6. қарздор томонидан, кредит шартномасида кўрсатилган мақсадга кўра ишлатиш шартлари бузилиши, кредит суммасини қайтариш муддатидан, кредит бўйича фоизларни тўлаш

- муддатидан, кредит суммаси ва фоизларини қайтариш муддатидан кечикишда, кредит беришни тўхтатиш, қарздордан кредит суммасини ва тегишли фоизларни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- 4.1.7. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик ва фуқаролик судларига корхона ва жисмоний шахсларни банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ариза билан мурожаат этиш;
 - 4.1.8. шартномавий мажбуриятларини бажармаётган мижозлар ва шартномавий контрагентларга нисбатан жарималарни қўллаш, ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;
 - 4.1.9. банкни бошқаришнинг ўз ички тизимини белгилаш ва зарур бўлган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
 - 4.1.10. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, банк ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шаклини, тизимини, тартибини ва иш ҳақи миқдорларини мустақил равишда белгилаш;
 - 4.1.11. барча солиқ ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин банк тасарруфида қолган соф фойда ҳисобидан захира фондини ва бошқа жамғармаларни ташкил этиш;
 - 4.1.12. тўлов ҳужжати функциясини бажарувчи қимматли қоғозларни, пул маблағларини омонатларга ва банк ҳисобварақларига жалб қилинганлигини тасдиқловчи қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш, шунингдек қимматли қоғозларни ишончли бошқариш, ютуқли омонатлар эълон қилиб, уларнинг шартлари бўйича тадбирларни ўтказиш;
 - 4.1.13. банк мижозларининг валюта операциялари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга ошириш;
 - 4.1.14. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда филиалларни ва шўъба корхоналарини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида эса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан шўъба банклар, корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарни очиш;
 - 4.1.15. ташкил этилган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
 - 4.1.16. хайрия фаолиятини амалга ошириш;
 - 4.1.17. лицензияда ва ушбу Уставда назарда тутилган, ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.
- 4.2. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

- 4.2.1. ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ амалга ошириш;
- 4.2.2. банкка топширилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларнинг сақланишини таъминлаш, ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;
- 4.2.3. банк барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш;
- 4.2.4. қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларни ошкор этилмаслигини таъминлаш;
- 4.2.5. белгиланган тартибда статистик, молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини юритиш ва тақдим қилиш;
- 4.2.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда шубҳали ва умидсиз деб таснифланган активлар бўйича уларнинг реал ҳолатини баҳолаш мақсадида, захира жамғармаларини ташкил этиш;
- 4.2.7. ўтказилаётган операцияларни ҳажми ва хусусиятига мос бўлган ишончлилиқнинг юқори даражасини таъминловчи ички назоратни ташкил қилиш;
- 4.2.8. банкчики аудит хизматини ташкил этиш;
- 4.2.9. ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;
- 4.2.10. амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, бошқа мажбуриятларни бажариш.

V. БАНК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ДАРОМАДИНИ ТАҚСИМЛАШ

5.1. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро стандартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда бухгалтерия ҳисоботини юритади ва молиявий ҳисоботни тақдим этади.

5.2. Банкнинг молиявий йил ҳисоботлари белгиланган тартибда мустақил аудиторнинг хулосаси асосида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

5.3. Банкнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги банкнинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

5.4. Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

5.5. Банкнинг соф даромади унинг тасарруфида қолади ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича банкнинг захира фондини ва бошқа фондларини шакллантиришда фойдаланилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар кўринишида тақсимланади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

5.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор банк Кенгашининг тавсияси асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори банк Кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

5.7. Акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган банк акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

5.8. Эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар эгалари банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар акциянинг номинал қийматига нисбатан 40 (қирқ) фоиз миқдорида имтиёзли тарзда дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

5.9. Банк қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- 5.9.1. Банк Устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
- 5.9.2. агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда ночорлик (банкротлик) белгилари мавжуд бўлса, ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- 5.9.3. банк соф активларининг қиймати унинг Устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса;
- 5.9.4. Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бузиш, шунингдек агар дивидендлар тўлаш натижасида иқтисодий нормативлар бузилиши, ва бунинг оқибатида омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига жиддий хавф туғилиши мумкин бўлса;
- 5.9.5. банкка нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Банкнинг акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 6.1.1. акциядорлар реестрига киритилиш ва ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- 6.1.2. банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ва олинган дивидендни эркин тасарруф этиш;

- 6.1.3. акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- 6.1.4. банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- 6.1.5. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- 6.1.6. ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- 6.1.7. қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- 6.1.8. акциядорлар умумий йиғилишида ўз вакили орқали иштирок этиш, ўз вакилини исталган вақтда алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш;
- 6.1.9. банк тугатилган тақдирда акциядорга тегишли улушга мос равишда мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- 6.1.10. акциядорларга етказилган зарарнинг ўрни қопланишини қонунчилик билан белгиланган тартибда талаб қилиш.

Акциядорлар ушбу Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

6.2. Банкнинг барча акциялари эгасининг номи ёзилган акциялардир. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳуқуқлар беради. Оддий акцияларнинг эгалари акциядорларнинг умумий йиғилишида, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

6.3. Банкнинг оддий акцияларининг камида 1 (бир) фоизининг эгаси бўлган акциядор банк Кенгаши мажлисининг чақирилишини талаб қилиш ҳамда кунтартиби, фойданинг тақсимланиши, банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифларни киритиш ҳуқуқига эга, шунингдек, номзодларни банк акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан аввал алмаштириши мумкин.

6.4. Банк томонидан акциялар ва ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёки иштирок этмаган акциядор, унга тегишли бўлган бу турдаги акцияларнинг сонига мутаносиб миқдорда акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқига эга.

6.5. Банк акциядорлари ҳужжатларни ноқонуний талаб қилиш ва махфий маълумотдан, тижорат сиридан фойдаланиш йўли билан

банкнинг бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

6.6. Банкнинг имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар, акциядорларнинг умумий йиғилишида қуйидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар:

6.6.1. банкни тугатиш, қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) тўғрисидаги масалалар кўрилганда;

6.6.2. банкнинг имтиёзли акциялари бўйича тўланадиган дивидендлар миқдорини камайтириш масалалари кўрилганда.

6.7. Банкнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади. Имтиёзли акция эгалари банкни тугатиш пайтида имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан ушбу Уставда белгилаб қўйилган дивидендлар фоизини ва улуш қилиб қўйилган маблағларини номинал қийматидан кам бўлмаган миқдорда тугатилиш қийматида олиш ҳуқуқига эга.

VII. БАНК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

7.1. Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва банк Бошқаруви банкнинг Бошқарув органлари ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши (кейинги ўринларда «Умумий йиғилиш» деб аталади) банкни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади. Умумий йиғилиш йиллик йиғилиш бўлиши ва навбатдан ташқари тартибда ўтказилиши мумкин. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари умумий йиғилишлар ҳисобланади.

7.3. Йиллик умумий йиғилишлар молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кеч бўлмаган муддатда ўтказилади. Йиллик умумий йиғилишда мажбурий тартибда банкнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлари, фойда ва зарарларни тақсимлаш ҳамда банк Кенгаши киритган бошқа масалалар кўриб чиқилади. Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини банк Кенгаши белгилайди.

7.4. Ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоиз овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар (акциядор), молиявий йил тугаганидан кейин 45 (қирқ беш) календарь кундан кеч бўлмаган муддатда йиллик умумий йиғилишнинг кун тартибига таклифларни киритиш ҳамда банк Кенгашига ва банк Тафтиш комиссиясига тегишли органнинг миқдорий таркибидан ортиқ бўлмаган миқдорда номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга.

7.5. Навбатдан ташқари йиғилишлар банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, банк Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби бўйича ўтказилади.

7.6. Умумий йиғилиш унинг кун тартибига киритилмаган масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

7.7. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни аввал шакллантирилган банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

7.8. Умумий йиғилишнинг ўтказилиши тўғрисидаги хабар умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) календарь кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) календарь куни аввал банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

7.9. Умумий йиғилишнинг қарорлари, шунингдек овоз бериш яқунлари тўғрисида ахборот умумий йиғилиш ёпилганидан сўнг маълум қилинади ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

7.10. Умумий йиғилишнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- 7.10.1. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- 7.10.2. банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 7.10.3. банк Кенгашининг ваколатига кирадиган масалаларга доир ҳисоботларни, шу жумладан, банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;
- 7.10.4. банк Кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
- 7.10.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 7.10.6. банкнинг Устав капиталини кўпайтириш;
- 7.10.7. банкнинг Устав капиталини камайтириш;
- 7.10.8. ўз акцияларини қайта сотиб олиш;
- 7.10.9. банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдори чегарасини белгилаш;
- 7.10.10. банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 7.10.11. банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;
- 7.10.12. банкнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

- 7.10.13. банкнинг акцияларини ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 7.10.14. банкнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- 7.10.15. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 7.10.16. кредитлар берилиши, активлар ва пассивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш ва банк мижозларига янги турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасидаги сиёсатлари асосий йўналишларини белгилаш;
- 7.10.17. банкнинг Умумий йиғилиши тўғрисидаги, банк Кенгаши тўғрисидаги, банк Бошқаруви тўғрисидаги, Тафтиш комиссияси тўғрисидаги, банк Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар тўғрисидаги Низомларни ва бошқа Низомларни тасдиқлаш;
- 7.10.18. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар тузиш;
- 7.10.19. битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулкни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 7.10.20. баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш)фоизидан 50 (эллик) фоизигача қийматини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинмаган бўлса ва банк Кенгашининг қарорига биноан умумий йиғилишнинг қарори қабул қилиниши учун берилган бўлса, ушбу йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 7.10.21. банкнинг ривожланиши стратегиясини тасдиқлаш;
- 7.10.22. банк томонидан хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам кўрсатилишининг чегарасини белгилаш;
- 7.10.23. амалдаги қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 7.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Бошқарувида берилиши мумкин эмас.
- 7.12. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Кенгашига берилиши мумкин эмас, қуйидагилар бундан мустасно:
- 7.12.1. банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

- 7.12.2. банк уставига банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- 7.12.3. акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 7.12.4. банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 7.12.5. ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 7.12.6. банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 7.12.7. банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- 7.12.8. банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 7.12.9. банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

7.13. Агар, умумий йиғилишда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган вақтга келиб, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, умумий йиғилиш ваколатли (кворум тўплаган) деб ҳисобланади.

Умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум бўлмаса, такрорий умумий йиғилишни ўтказиш санаси эълон қилинади. Такрорий умумий йиғилишни ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

7.14. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига такрорий чақирилган умумий йиғилишда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли деб ҳисобланади.

7.15. Умумий йиғилиш ўз фаолиятини Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низоми асосида олиб боради, ушбу Низом, шунингдек кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилаб беради.

Банк Кенгаши

7.16. Банк Кенгашибанк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, умумий йиғилишнинг ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

7.17. Банк Кенгаши 9 (тўққиз) нафар аъзодан иборат бўлади. Банк Кенгаши ушбу Уставда назарда тутилган тартибда умумий йиғилиш

томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланадилар. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

7.18. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

7.19. Банк Кенгашининг Раиси банк Кенгашининг аъзолари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Банк Кенгаши Раисининг ўринбосари ҳам банк Кенгашининг қарорига кўра шу тартибда сайланиши мумкин.

7.20. Банк Бошқарувининг Раиси ва банк Бошқарувининг аъзолари банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас. Банкда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар банк Кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта қайта сайланишлари мумкин.

7.21. Банк Кенгаши йиғилишида масалаларни ҳал қилишда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси 1 (бир) овозга эга бўлади. Банк Кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум банк Кенгашига сайланган аъзолари сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил қилиши керак.

7.22. Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини банк Кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

7.23. Банк Кенгашининг йиғилиши банк Кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, банк Кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссияси, банк Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банкнинг ички аудит хизмати раҳбари, банкнинг ташқи аудитори ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа шахсларнинг талаби билан чақирилади.

7.24. Банк Кенгаши қуйидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда ваколатларга эга:

7.24.1. банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

7.24.2. банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

7.24.3. умумий йиғилишнинг кун тартибини тайёрлаш;

7.24.4. умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

7.24.5. банк Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун умумий йиғилишга киритиш;

7.24.6. аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масаласини умумий йиғилишнинг кун тартибига киритиш;

7.24.7. акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масалаларни умумий йиғилишнинг кун тартибига киритиш, ҳамда банк Кенгашини, Миноритар акциядорларнинг қўмитасини ва

- Тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлаш учун овоз бериладиган номзодларнинг рўйхатига номзодларни киритиш;
- 7.24.8. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - 7.24.9. банкнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш ва унинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;
 - 7.24.10. банкнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш, стратегиянинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш ва уни ҳар йили долзарблаштириш;
 - 7.24.11. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;
 - 7.24.12. банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ички аудит хизмати билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда ички аудит хизматининг фаолияти устидан назорат қилиш;
 - 7.24.13. банкда таваккалчиликларни бошқариш тизимининг ташкил этилишининг асосий тамойилларини ва ёндашувларини белгилаш;
 - 7.24.14. банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор бўлган ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун банк Бошқарувидан уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан банк Кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
 - 7.24.15. банк Бошқаруви Раисини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - 7.24.16. банк Бошқарувининг аъзоларини Бошқарув Раисининг тақдимномаси асосида сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк Бошқарувининг фаолияти устидан назорат қилиш;
 - 7.24.17. банк Бошқарув Раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдори чегараси доирасида уларга тўланадиган ҳақ, мукофотлар ва компенсациялар миқдорини белгилаш, банк Бошқарувини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
 - 7.24.18. банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
 - 7.24.19. банкнинг кадрлар сиёсатини белгилаш, банкнинг департамент директорлари, бошқарма бошлиқлари, амалиёт бошқармаси бошлиғи ва филиал раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларини тасдиқлаш, уларнинг ўз вазифаларини бажариши устидан назорат қилиш;
 - 7.24.20. банкнинг иш ҳақини тўлаш соҳасидаги сиёсатини амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шу жумладан банкнинг департамент директорлари, бошқарма бошлиқлари, амалиёт

- бошқармаси бошлиғи ва филиал раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерларининг ҳақи миқдорини мониторинг қилиш;
- 7.24.21. банк Кенгашининг аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) харажатлари қопланиши (компенсациялар) бўйича банкнинг сиёсатини белгилаш;
 - 7.24.22. акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - 7.24.23. банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш;
 - 7.24.24. банк Бошқарувининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
 - 7.24.25. банкнинг шўъба ва тобе ташкилотларида йирик битимларни, тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни, кўчмас мулкни бегоналаштиришга доир битимларни маъқуллаш масалалари бўйича банкнинг фикрини белгилаш;
 - 7.24.26. банк филиалларини ва ваколатхоналарини, шўъба корхоналарини ташкил этиш, тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - 7.24.27. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача миқдорини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинмаган ҳолда, уни умумий йиғилишнинг ҳукмига ҳавола этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 7.24.28. тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш;
 - 7.24.29. банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимлар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
 - 7.24.30. банкнинг одатдаги хўжалик фаолиятига тааллуқли бўлмаган ва банкнинг, банк капиталининг 5 (беш) фоизидан ортиқ миқдорда пул маблағларини тўлаш юзасидан мажбуриятлари юзага келишига олиб келувчи ҳар қандай битимни ёки бир нечта ўзаро боғлиқ битимларнинг банк томонидан тузилиши маъқуллаш;
 - 7.24.31. банкнинг кўчмас мулкни бегоналаштириш юзасидан битимларни маъқуллаш;
 - 7.24.32. банк Бошқаруви ва банкнинг ҳудудий бошқармалари ва бўлинмалари раҳбарлари билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар бўлиш;
 - 7.24.33. амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

- 7.24.34. банкнинг асосий фаолият турлари юзасидан банк сиёсатини тасдиқлаш, банк сиёсатларининг иқтисодий шароитларга, банкнинг ҳолатига, амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқлиги устидан назорат қилиш;
 - 7.24.35. банкда корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш ва корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, банкда корпоратив бошқарувнинг амалиётини назорат қилиш;
 - 7.24.36. йиллик ҳисоботларни, фойда ва зарарлар ҳисобварағини кўриб чиқиш ва уларни умумий йиғилишга тасдиқлаш учун киритиш;
 - 7.24.37. банкнинг бухгалтерлик (молиявий), статистик, бошқарув ҳисоботининг тўлиқлигини ва ҳаққонийлигини таъминлаш;
 - 7.24.38. ҳар чорақда банк Бошқаруви Раисининг ҳамда ички аудити хизмати раҳбарининг банк фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш;
 - 7.24.39. банкнинг Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
 - 7.24.40. банк Уставига банкнинг Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
 - 7.24.41. акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - 7.24.42. банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 7.24.43. ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 7.24.44. банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - 7.24.45. акциядорларнинг умумий йиғилиши билан белгиланган чегаралар ичида хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдамнинг кўрсатилиши тартибини, шартларини белгилаш;
 - 7.24.46. миноритар акциядорлар қўмитасининг банк ҳисобидан таъминоти учун харажатларини тасдиқлаш (миноритар акциядорлар қўмитаси тузилган ҳолда);
 - 7.24.47. банк Кенгашининг ваколатларига ушбу Уставга ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 7.25. Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал қилиш банк Бошқарувиغا берилиши мумкин эмас.
- 7.26. Қуйидагилар банк Кенгашининг мажбуриятлари ҳисобланади:

7.26.1. ўз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

7.26.2. банкка оқилона раҳбарлик қилишни таъминлаш;

7.26.3. банк фаолияти, кредитларнинг тўғри берилиши ва маблағларнинг инвестицияга йўналтирилиши устидан назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);

7.27. Банк Кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, банк Кенгашининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, умумий йиғилишда раислик қилади.

Банк Кенгашининг Раиси бўлмаган пайтида унинг вазифасини банкКенгаши Раисининг ўринбосари бажариб туради.

7.28. Банк Кенгашининг аъзолари банк фаолиятига доир қарорлар қабул қилишда ҳолисона тарзда иш тутишлари шарт. Улар ўзларига берилган имкониятлардан ушбу Устав қоидаларига зид равишда ёки банкнинг мулкӣ ёки номулкӣ манфаатларига зид равишда фойдаланишлари тақиқланади. Банк Кенгашининг вазифалари, иш фаолиятининг ташкил этилиши, уни сайлаш тартиби ва банк Кенгашининг ишлаш тартиби Банк Кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Банк Бошқаруви

7.29. Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи - банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

7.30. Банк Бошқарувининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

7.30.1. банк фаолиятини ташкил этиш ва унга тезкор раҳбарлик қилишни амалга ошириш, банкУставида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

7.30.2. банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкаларини ва воситачилик ҳақи миқдорини ишлаб чиқиш ва белгилаш;

7.30.3. банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган иқтисодий нормативларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлаш;

7.30.4. банкнинг капитали ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, уларни таснифлаш асосида шубҳали ва бекор турган активларга қарши захиралар яратилишини таъминлаш, зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активларининг турларини кўпайтириш;

7.30.5. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва халқаро стандартларга мувофиқ банкнинг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этиш;

- 7.30.6. банкнинг шўъба корхоналари, минтақавий филиаллари, туман филиаллари ва бошқа таркибий тузилмаларига раҳбарлик қилиш, улар фаолиятини барча йўналишлар бўйича назорат қилиш, банк учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш;
- 7.30.7. банк акциядорлари умумий йиғилиши ва банк Кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;
- 7.30.8. банк акциядорлари ва банк Кенгашининг биринчи талабига биноан молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни тақдим этиш;
- 7.30.9. банк Кенгашига банк фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот бериш;
- 7.30.10. ўзининг ваколатлари доирасида, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш, банкнинг раҳбарлик лавозимларига номзодларни банк Кенгашига тасдиқлаш учун киритиш;
- 7.30.11. банкнинг штат жадвали билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;
- 7.30.12. ўзининг ваколатлари доирасида банкнинг нормал фаолият кўрсатиши учун лозим бўлган мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш масаласини ҳал қилиш.

7.31. Банк Бошқарувининг ваколатларига, умумий йиғилишнинг ваколатлари ва банк Кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш киритилган.

7.32. Банк Бошқаруви банк Кенгашига кўриб чиқиш учун банкни ривожлантириш стратегияси, банкнинг ташкилий бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади. Банк Бошқаруви банк фаолияти учун муҳим бўлган ҳар қандай масалани банк Кенгашининг муҳокамасига киритиши мумкин.

7.33. Банк Бошқарувиқуйидаги ҳуқуқларга эга;

- 7.33.1. ўз ваколат доирасида банкнинг ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш, банкнинг таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, банкнинг барча филиаллари, таркибий тузилмалари ва ходимлари бажариши мажбурий бўлган қарорларни чиқариш;
- 7.33.2. вазирликлар, идоралар, жамғармалар, жамоат ва тижорат ташкилотлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан, халқаро ташкилотлар ва уларнинг вакиллари билан, чет эл банклари ва уларнинг вакиллари билан музокараларни олиб бориш;
- 7.33.3. ўзининг ваколатлари доирасида банк томонидан кредит ажратилиши, инвестициялар киритилиши ёки жалб қилинишига доир битимларни тузиш;

- 7.33.4. банкнинг кредит қўмитаси, филиаллар кредит комиссиялари ва бошқа ишчи гуруҳларнинг таркибини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;
- 7.33.5. банкнинг раҳбар ходимларини тайинлаш, улар учун ва бошқа банк ходимлари учун малака талаблари ўрнатиш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш, рағбатлантириш ёки интизомий жазога тортиш юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- 7.33.6. банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Банк Бошқарувининг бошқа вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомда белгиланади.

7.34. БанкБошқарувига Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади. Бошқарув Раиси умумий йиғилиш ва банкКенгаши олдида ҳисобот беради ва у банкнинг жорий фаолияти натижалари учун ўз ваколатлари доирасида жавобгар бўлади. Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини банкКенгашининг қарорига асосан банкномидан банкКенгашининг Раиси тузади. Меҳнат шартномаси 1 (бир) йил муддатга тузилади.

7.35. Бошқарув Раиси қуйидаги ваколатларга эга:

- 7.35.1. ўз ваколатлари доирасида банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлайди, унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- 7.35.2. ўз ваколатлари доирасида ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда банкфаолияти устидан назоратни амалга оширади, фойдали ва манфаатли бўлган иқтисодий бошқариш усулларини қўллайдди, банкишчи жамоасининг истақларини ва ташаббусларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш беради;
- 7.35.3. банкмулкани ва маблағларини тасарруф этади, банк номидан шартномалар, мажбуриятлар ва ишончномаларни имзолайди;
- 7.35.4. Ўзбекистон Республикасидаги тижорат ва давлат ташкилотларида ва бошқа давлатларда банкфаолияти масалалари бўйича вакилликни амалга оширади;
- 7.35.5. банкномидан ишончномалар беради, шартномаларни имзолаш тартибини белгилайди;
- 7.35.6. банкнинг штат жадвалини тасдиқлайди ва штатлар жадвалига ўзгартиришларни киритади, банк Бошқарувининг аъзолари орасида мажбуриятларни тақсимлайди. Штат жадвали ва тузилган шартномалар асосида банкнинг мансабдор шахсларини тайинлайди ва ишдан бўшатади, банкходимларининг иш ҳақини белгилайди, ҳамда намунали ишлаган ходимларни тақдирлайди, меҳнат вазифаларини бузганлиги учун интизомий жазолар қўллайдди,

- банкходимлари билан меҳнат шартномасини, қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ тузади;
- 7.35.7. Бошқарув Раиси ўринбосарларининг, бўлинмалар раҳбарларининг жавобгарлик чегараларини белгилайди;
- 7.35.8. банкнинг бўлинмалари ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;
- 7.35.9. Бошқарув Раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.36. Бошқарув Раиси ишончномасиз фаолият юритади. Банк Бошқарув Раиси Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Бошқарув аъзолари, бош бухгалтер, филиал бошқарувчилари ва бош ҳисобчилари ҳамда банкнинг марказий идораси ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади.

7.37. Банк Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, банкБошқарувининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Бошқарув Раисининг тақдимномаси асосида банк Кенгашининг қарори билан тасдиқланади. Банк Бошқаруви аъзолари таркибига Бошқарув Раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер ва банктаркибий бўлинмаларининг раҳбарлари киритилиши мумкин.

7.38. Банк Бошқаруви йиғилиши зарурият бўйича лекин ойига камида 1 (бир) марта чақирилиши лозим. Банк Бошқарувининг йиғилиши унинг 60 (олтмиш) фоиз амалдаги аъзолари иштирок этган ҳолда қарор қабул қилиш учун ваколатли деб ҳисобланади. Бошқарув қарорлари овозларнинг кўпчилиги билан қабул қилинади.

VIII. БАНК ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ

8.1. Банк амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз филиаллари, шўъба корхоналари ва ваколатхоналарга эга бўлиши мумкин.

8.2. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс мақомини олмаган ҳолда ўз фаолиятини банк Кенгаши томонидан тасдиқландиган Низомлар асосида амалга оширадilar.

8.3. Филиаллар ва ваколатхоналарнинг раҳбарлари банкБошқаруви томонидан тайинланади ва банк Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда, тасдиқланади. Филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларининг ваколатлари банкБошқарувининг Раиси томонидан бериладиган ишончнома билан, тегишли филиал (ваколатхона) тўғрисидаги Низом билан ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Бошқарув Раиси банкфилиаллари ва ваколатхоналарининг раҳбарлари билан банкномидан меҳнат шартномасини тузади.

IX. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш Банкнинг Тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, ташқи аудиторлик

ташкilotлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

9.2. Банкнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш банкнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) аъзоси таркибида 1 (бир) йил муддатга сайланадиган Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

9.3. Банк Кенгаши, банк Бошқарувининг аъзолари ёки банкда меҳнат шартномаси асосида бошқа бирор-бир лавозимда ишлайдиган шахслар Тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиб сайланиши мумкин эмас. Айти бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчи бўлиб) кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

9.4. Тафтиш комиссияси аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни виждонан ва холисона бажарилиши учун жавобгар бўлади. Тафтиш комиссия унга юклатилган вазифаларни бажариш чоғида банкда ишламайдиган шахслар орасидан экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

9.5. Тафтиш комиссияси банк томонидан банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини, банкнинг ички назорат тизимини, кредит, ҳисоб-китоб, валюта ва банкомонидан бир ҳисобот йили ичида амалга оширилган операцияларни (тўлиқ танлов олинган ҳолда), касса ва мол-мулкнинг ҳолатини текширади.

9.6. Тафтиш комиссияси исталган вақтда банкмолия-хўжалик фаолиятини текширишни ўтказиш ҳамда банкфаолиятига доир ҳар қандай ҳужжатни талаб қилиб олиш ва уларни олиш ҳуқуқига эга.

9.7. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан банкКенгашининг аъзолари, банк Бошқарув Раиси, банкБошқарувининг аъзолари керакли тушунтиришларни оғзаки ва ёзма шаклда тақдим этишлари шарт. Молия-хўжалик фаолиятни тафтиш қилиш ёки текшириш акциядорларнинг топшириғи бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

9.8. Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган тафтишлар ва текширишларнинг натижалари тўғрисида банкКенгашини хабардор қилади, ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни бериш ҳуқуқига эга. Тафтиш комиссиясининг хулосалари умумий йиғилишга тақдим этилади.

9.9. Тафтиш комиссияси аъзолари банк манфаатлари учун жиддий хавф юзага келган ҳолларда навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақирилишини талаб қилиши шарт.

9.10. Тафтиш комиссиясининг фаолияти умумий йиғилиш томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

9.11. Молиявий (бухгалтерлик) ҳисоботининг ҳаққонийлигини, унинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлигини текшириш ва тасдиқлаш учун банкшартнома асосида қонун ҳужжатларга мувофиқ аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкilotини жалб қилади. Аудиторлик ташкilotи

қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилотларини танлаш бўйича танлов якунларига кўра умумий йиғилишга банк Кенгаши томонидан тавсия қилинади.

9.12. Банк Кенгаши, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда, банк Бошқарувининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаблари асосида фаолият юритувчи Ички аудит хизматини шакллантиради. Банк Кенгаши Ички аудит хизматининг Низомини тасдиқлайди.

9.13. Ички аудит хизмати банк Бошқаруви, банкнинг ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали банк Бошқаруви, банкнинг ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Х. БАНКУСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

10.1. Банк Уставига киритилган ва банкнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган барча ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинади.

10.2. Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар учинчи шахслар учун давлат рўйхатига олинган вақтдан эътиборан кучга киради.

10.3. Мазкур Устав рўйхатга олинган вақтдан бошлаб банк Уставининг барча аввалги ва аввал рўйхатдан ўтказилган таҳрирлари, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартириш.

1. Банк Уставининг 3.4. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.4. Банк Устав капитали 238 552 920 661 (икки юз ўттиз саккиз миллиард беш юз эллик икки миллион тўққиз юз йигирма минг олти юз олтмиш бир) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

3.4.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 1 953 511 741 (бир миллиард тўққиз юз эллик уч миллион беш юз ўн бир минг етти юз қирқ бир) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 236 374 920 661 (икки юз ўттиз олти миллиард уч юз етмиш тўрт миллион тўққиз юз йигирма минг олти юз олтмиш бир) сўм;

3.4.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 2 178 000 000 (икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион) сўм.

2. Банк Уставининг 3.5. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 1 499 090 910 (бир миллиард тўрт юз тўқсон тўққиз миллион тўқсон минг тўққиз юз ўн) донани ташкил этади, шу жумладан:

3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 1 491 090 910 (бир миллиард тўрт юз тўқсон бир миллион тўқсон минг тўққиз юз ўн) дона;

3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова

«Тасдиқланган»

Акциядорлар Умумий
Йиғилишининг

2017 йил 12 декабрдаги
4-сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси



Ш.Х. Шерматов

«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2018 йил « 4 » *Январь*
48-2 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари



Т.А. Ишметов

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент - 2017 й.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг 7.17. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

7.17 Банк Кенгаши 11 (ўн бир) нафар аъзодан иборат бўлади. Банк Кенгаши ушбу Уставда назарда тутилган тартибда умумий йиғилиш томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланадилар. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

2. Банк Уставининг 9.2. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

9.2. Банкнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш банкнинг умумий йиғилиши томонидан 5 (беш) аъзоси таркибида 1 (бир) йил муддатга сайланадиган Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова

«Тасдиқланган»

Акциядорлар умумий
йиғилишининг

2018 йил 24 апрелдаги
1 - сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси в.б.



А.И. Ахмедхаджаев

«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2018 йил « 16 » май
48-3 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари



Т.А. Ишметов

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ**

Тошкент - 2018 й.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартириш

1. Банк Уставининг 3.5. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 4 133 000 000 (тўрт миллиард бир юз ўттиз уч миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 4 125 000 000 (тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион) дона;

3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг 3.4. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.4. Банк Устав капитали 338 552 920 541 (уч юз ўттиз саккиз миллиард беш юз эллик икки миллион тўққиз юз йигирма минг тўққиз юз қирқ бир) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

3.4.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 2 779 958 021 (икки миллиард етти юз етмиш тўққиз миллион тўққиз юз эллик саккиз минг йигирма бир) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 336 374 920 541(уч юз ўттиз олти миллиард уч юз етмиш тўрт миллион тўққиз юз йигирма минг беш юз қирқ бир) сўм;

3.4.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 2 178 000 000 (икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион) сўм.

2. Банк Уставининг 3.5. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.5.Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 3 306 553 720 (уч миллиард уч юз олти миллион беш юз эллик уч минг етти юз йигирма) донани ташкил этади, шу жумладан:

3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 3 298 553 720 (уч миллиард икки юз тўқсон саккиз миллион беш юз эллик уч минг етти юз йигирма) дона;

3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова

«Тасдиқланган»

Акциядорлар Умумий
Йиғилишининг

2018 йил 31 июлдаги
3 – сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси


А.И. Ахмедхаджаев



«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2018 йил « 9 » август
48-5 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари


Т.А. Ишметов



**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент - 2018 й.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг 3.5. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 20 008 000 000 (йигирма миллиард саккиз миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

3.5.1 эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони – 20 000 000 000 (йигирма миллиард) дона;

3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони – 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова

«Тасдиқланган»

АТ «Алоқабанк» Кенгашининг

2018 йил 26 августдаги
76 – сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси


А.И. Ахмедхаджаев




«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2018 йил «6» сентябрь
48-6 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари


Т.А. Ишметов



**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент - 2018 й.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг 3.4. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.4. Банк Устав капитали 883 984 520 474 (саккиз юз саксон уч миллиард тўққиз юз саксон тўрт миллион беш юз йигирма минг тўрт юз етмиш тўрт) сўмни ташкил этиб, қуйидаги акцияларга тақсимланган:

- 3.4.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 7 287 657 194 (етти миллиард икки юз саксон етти миллион олти юз эллик етти минг бир юз тўқсон тўрт) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 881 806 520 474 (саккиз юз саксон бир миллиард саккиз юз олти миллион беш юз йигирма минг тўрт юз етмиш тўрт) сўм;
- 3.4.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 18 000 000 (ўн саккиз миллион) дона, номинал қиймати бўйича жами суммаси 2 178 000 000 (икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион) сўм.

2. Банк Уставининг 3.5. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 15 500 300 827 (ўн беш миллиард беш юз миллион уч юз минг саккиз юз йигирма етти) донани ташкил этади, шу жумладан:

- 3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони – 15 492 300 827 (ўн беш миллиард тўрт юз тўқсон икки миллион уч юз минг саккиз юз йигирма етти) дона;
- 3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова

«Тасдиқланган»

Акциядорлар Умумий
Йиғилишининг

2018 йил 29 сентябрдаги
4 – сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси


А.И. Ахмедхаджаев



«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2018 йил « 5 » ОКТОБР
48-7 – сон

Раиснинг биринчи ўринбосари


Т.А. Ишметов



**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент - 2018 й.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг 1.4. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

1.4. Банкнинг фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган бўлиб, у юридик шахс ҳисобланади ва ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулки билан жавобгар бўлади. Банк, қонун ҳужжатларига мувофиқ, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширади, иқтисодий, фуқаролик ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2. Банк Уставининг 4.2.6. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.2.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда шубҳали ва умидсиз деб таснифланган активлар бўйича уларнинг реал ҳолатини баҳолаш мақсадида, захиралар ташкил этиш.

3. Банк Уставининг 5.5. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.5. Банкнинг соф фойдаси унинг тасарруфида қолади ҳамда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича банкнинг захира фондини ва бошқа фондларини шакллантиришда фойдаланилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар кўринишида тақсимланади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Уставда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

4. Банк Уставининг 7.17. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

7.17. Банк кенгаши 9 нафар аъзодан иборат бўлади. Банк Кенгаши ушбу Уставда назарда тутилган тартибда умумий йиғилиш томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланадилар. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

5. Банк Уставининг 7.37. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

7.37. Банк бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, банк Бошқарувининг аъзолари Бошқарув Раисининг тақдимномаси асосида банк Кенгашининг қарори билан тасдиқланади. Банк Бошқаруви аъзолари таркибига Бошқарув Раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер ва банк таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари киритилиши мумкин.

6. Банк Уставининг 9.2. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

9.2. Банкнинг молия хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш банкнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) аъзоси таркибида 1 (бир) йил муддатга сайланадиган Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова

«Тасдиқланган»

Акциядорлар умумий
йиғилишининг

2019 йил 28 майдаги
1 – сонли баённомаси

Банк Кенгаши Раиси в.б.





Ш.М. Садиков

«Рўйхатга олинган»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

2019 йил «27» июль
48/8 – сон

Раис ўринбосари



Б.Э. Захидов

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Тошкент - 2019 й.

АТ «Алоқабанк» Уставига киритилган ўзгартиришлар.

1. Банк Уставининг 6.4. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6.4. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

2. Банк Уставининг 7.8. - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Бошқарув Раиси



К. Ирисбекова